

ЖАҲОН 24 соат ичида

Музокаралар ўтказишга чақирди

Дания ташқи ишлар вазири Стив Меллер Арктикага туғаш давлатлар раҳбарларини чегараларни белгилаб олиш учун музокаралар ўтказишга чақирди.

Вазирнинг таъкидлашича, Дания ва Канада ўртасидаги баҳсга сабаб бўлаётган Ханс ороли, расмий Оттаванинг норозилигини келтириб чиқарган Россия денгизчиларининг Арктикага экспедицияси каби муаммоларни БМТ қарорлари асосида музокаралар йўли билан ҳал этиш лозим.


Тўфон келтирган ташвиш

Сешанбадан чоршанбага ўтар кечаси Хитойнинг жанубий худудларига «Випа» тўфони етиб келди. Хитой ахборот агентлиги хабарларига кўра, бу ерда шамолнинг тезлиги ҳар сонияга 45 метрни ташкил этган.



Қирғоққа яқин жойлардаги бир миллион нафар одам хавфсиз жойларга кўчирилгани учун талафот миқдори кам бўлди. Тўфон туфайли олти шаҳардаги мактабларда машғулотлар тўхтатилди. Табиий офатга қарши курашга 20 минг нафар ҳарбий хизматчи жалб этилган.

Пентагонга маъқул эмас



Пентагонлик бир гуруҳ ҳарбий экспертлар Озарбойжонда жойлашган Габалин радиолокация станцияси билан таъкидлашди. АҚШ ракетага қарши химоя агентлиги раҳбари Генри

Обериннинг таъкидлашича, собиқ шўролар даврида қурилган бу станция америкаликлар Чехия худудида ўрнатмоқчи бўлаётган ракетага қарши тизим ўзини боса олмайди. The New York Times газетасининг езишича, Габалин станциясидан туриб ракеталарнинг дастлабки ҳаракатини кузатиш мумкин, холос.

Сомали ёрдамга муҳтож

Сомали ҳукумати жаҳон ҳамжамиятини тезлик билан мамлакатга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга чақирди. Сомали ички ишлар вазири Мухаммад Махдуд Гулднинг журналистларга таъкидлашича, мамлакатда инфляция рекорд даражага етган, озиқ-овқат маҳсулотлари туғаш арафасида.



ЮНИСЕФ вакилининг қайд этишича, мамлакатта тезлик билан озиқ-овқат етказиб берилмаса, шимолги туманлардаги минглаб болалар очликдан вафот этиши мумкин.

Террорчи йўқ қилинди

Доғистонда маҳаллий террорчилар етакчиси, 37 ёшли Раппани Халилов йўқ қилинди. У бошқик террорчилар олти мартадан кўпроқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига ҳужум уюштирган.

нақсда ва 2002 йили Каспийсуда амалга оширилган террорчилик ҳаракатларида ҳам фаол иштирок этган. Ушбу икки шаҳардаги террорчилик акти натижасида салкам 100 нафар бегуноҳ аҳоли ҳалок бўлган эди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Корея Республикасининг эркин ёллаш тизими бўйича 2007 йил 29 июлда илк бор ўтказилган корейс тили тест синовларидан ўтолмаган фуқаролар учун кўшимча тест

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги ўртасида 2007 йилда имзоланган корейс тили бўйича тестни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги битимга мувофиқ Корея Республикасининг турли ишлаб чиқариш соҳаларида меҳнат қилиш истагини билдирган фуқаролар учун 2007 йил 29 июлда корейс тили бўйича тест синовлари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги ўртасида ўзаро келишувга мувофиқ жорий йил 25-27 июнда Тошкент, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида тестда қатнашиш учун рўйхатга олинган ҳамда жорий йил 29 июлда ўтказилган корейс тили бўйича биринчи тест синовларидан муваффақиятли ўта олмаган номзодлар учун кўшимча тест синовлари ташкил этилади.

Мазкур ташкил этиладиган кўшимча тест синовларида номзод сифатида фақат жорий йил 25-27 июнда Тошкент, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида тестда қатнашиш учун рўйхатга олинган ҳамда жорий йил 29 июлда ўтказилган корейс тили бўйича биринчи тест синовларидан муваффақиятли ўта олмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

- Ушбу кўшимча тестдан муваффақиятли ўтган номзодларгина Кореяда меҳнат қилишнинг эркин ёллаш тизими бўйича ҳужжат топшириш ҳуқуқига эга бўладилар. Корейс тили бўйича тест синовлари Корея Республикасининг Меҳнат вазирлиги ва Кореянинг Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати томонидан Кореянинг эркин ёллаш тизими талаблари асосида ўтказилади.

Корея Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати эркин ёллаш тизими бўйича корейс тилидан кўшимча тестни қўйидагига ўтказилади: Тест ўтказиладиган сана — 2007 йил 14 октябрь (якшанба) соат 9.30-12.00. Номзодлар тест ўтказиладиган хоналарга соат 9.30 гача етиб келишлари талаб этилади.

Корейс тилидан кўшимча тест синовига қатнашиши мумкин бўлган номзодлар: 2007 йил 29 июлда ўтказилган корейс тили бўйича тест синовларида иштирок этиб етлари балл тўплай олмаган фуқаролар; 2007 йил 29 июлда ўтказилган корейс тили бўйича тест синовларида турли сабабларга кўра иштирок эта олмаган фуқаролар.

Рўйхатга олиш жараёни Рўйхатга олиш мuddати — (2007 йил 26 сентябрдан, чоршанба) — (2007 йил 28 сентябр гача, жума) 3 кун. Рўйхатга олиш вақти — соат 9.00 дан 18.00 гача. Фуқароларни рўйхатга олиш қўйидаги жадвал асосида амалга оширилади

Вилоятлар бўйича рўйхатга олиш жадвали

Table with 3 columns: Вилоятлар, Рўйхатга олиш куни, Рўйхатга олиш жойи. Lists various regions and their respective test dates and locations.

Table with 3 columns: Самарқанд, 28.09.2007 й., илмий маркази Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қамарнисо кўчаси, 37-уй. Мўлжал — Шифокорлар шаҳарчаси.

Рўйхатга олиш тартиби Фуқаролар рўйхатга олиш жойларига шахсан фуқаролик паспорти билан келишлари лозим. Тест синовига қатнашиш истагини билдирган фуқаролар рўйхатга олиш жойларига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиб рўйхатдан ўтадилар:

Тест учун тўланадиган тўлов — 10 АҚШ доллари миқдоридagi тўловнинг миллий валюта сўмдаги эквиваленти (тўлов амалга ошириладиган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича). Тестда қатнашиш истагини билдирган фуқаролар Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг махсус ҳисоб рақамига кўрсатилган тўлов пулини рўйхатга олиш жойида тўлашлари лозим.

Тест учун тўланган тўлов маблағи ўтказилган тест натижасидан қатъи назар фуқарога қайтариб берилмайди.

Table with 4 columns: Тест қисмлари, Саволлар сони, Умумий балл, Ажратилган вақт. Lists test components and their respective scores and durations.

Тинглаш ва ўқиш топшириқлари ўртасида танлафуз берилмайди. Номзодлар тестдан муваффақиятли ўтишлари учун тестнинг икки қисмидан умумий тўпланган балл камида 60 балл бўлиши талаб этилади.

120 дан паст ва 60 дан юқори балл тўпланганлар қурилиш, қишлоқ хўжалиги, балиқчилик соҳаларида ишлашлари мумкин.

Тест ўтказиладиган куни номзодлар қўйидагиларга эга бўлишлари лозим: - теста кириш учун рухсатнома (рухсатнома рўйхатга олинган номзодларга берилмайди); - фуқаролик паспорти (номзод фуқаролик паспортисиз тест топширишга киритилмайдиган).

Тест натижаларини эълон қилиш Сана — 2007 йил 23 октябрь (сешанба). Эълон қилиш тартиби: - Корея Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати веб сайти www.eps.or.kr; - Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг эълонлар тахтаси; - вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош қармаларининг эълонлар тахтаси.

Бошқа маълумотлар Тест натижалари ҳар бир номзодга тест топширган кундан кейин 3 ҳафта ичида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан эълон қилинади. Номзодлар теста уяли телефон, электрон лугат, МПЗ мослама ва бошқа рухсат этилган воситаларни олиб киришлари ман этилади. Тестда бировдан кўчириб ўтирган номзод аниқланса, у тестдан чиқариб юборилади ва 2 йил давомида қайта тестда қатнашиши учун ҳужжатлари қабул қилинмайди.

Номзодлар тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, туғилган санаси) паспортдаги маълумотлар билан мос келиши лозим. Акс ҳолда тестдан ўтган тақдирда ҳам Кореяга кириш рухсат этилмайди.

Номзоднинг тестдан муваффақиятли ўтиши уни Корея Республикасига ишга юборилишини кафолатламайдиган. Номзоднинг тестдан муваффақиятли ўтиши эркин ёллаш тизими бўйича рўйхатга олиш шартларидан бирини бажарган ҳисобланади.

Агар номзод тиббий кўриқда носоллом деб топилса ёки у Кореяда ноқонуний бўлганлиги маълум бўлса, у ҳолда номзод Корея Республикасига ишга қабул қилинмайди.

Назорат қилиш — Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги. Ташкиллаштириш — Кореянинг Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати. Ҳамкорлик қилиш — Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги.

Эслатма: хусусий фирмалар ва ўқув муассасалари Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Корея Республикасига ишга жойлаштириш жараёнига аралашилари таъқиқланади. Мазкур ҳолат аниқланган тақдирда бу таъқиқлотларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қончилигида белгиланган чоралар қўйилади.

Кўшимча маълумотлар учун Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг ишонч телефонлари: 152-33-79, 152-75-23.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ВА УНИНГ ХУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

1. Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2006 йил 21 декабрдаги 10-0611/8770-сонли ажримига асосан банкрот деб эълон қилинган ва «Roll Press» МЧЖ кредиторларининг 2007 йил 26 июндаги ййгилиши қарорига кўра, «Roll Press» МЧЖнинг тугатиш бошқарувчиси томонидан Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Сағбон 10-ўй кўчаси, 96-А уйда жойлашган, «Roll Press» МЧЖнинг мулкий мажмуаси бошланғич баҳоси ўзгармаган ҳолда тақроран қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 9, 16, 23, 30 октябрь ва 6 ноябрь кунлари соат 11.00 да ушбу мулкий мажмуа сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади. Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини хар бир мулк учун алоҳида тўлаш тартиби билан тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52.

Table with 6 columns: Т/р, Савдо объекти, Бошланғич баҳоси (сўм), Тавсифи, Манзили, Суд ижрочилари бўлими, Ижро ҳужжати санаси ва рақами. Lists auction items and their details.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 20, 27 сентябрь ва 4, 11, 18, 25 октябрь кунлари соат 11.00 да ушбу кўчмас мулк сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади. Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ вилоти филиалидаги МФО 00669, ИНН 200933850, 22622000200571452003 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Манзил: Андижон вилоти, Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уй. Телефонлар: 224-37-86, 224-36-88.

Table with 6 columns: Т/р, Савдо объекти, Бошланғич баҳоси (сўм), Тавсифи, Манзили, Суд ижрочилари бўлими, Ижро ҳужжати санаси ва рақами. Lists auction items and their details.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини хар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Қашқадарь вилоти филиалининг «Асабабанк» Қарши шаҳар филиалидаги МФО 00194, ИНН 200933850, 20210000200571452006 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Манзил: Қашқадарь вилоти, Қарши шаҳри, М.Абдуллаева кўчаси, 20-уй. Телефон: 225-44-58.

Table with 6 columns: Т/р, Савдо объекти, Бошланғич баҳоси (сўм), Тавсифи, Манзили, Суд ижрочилари бўлими, Ижро ҳужжати санаси ва рақами. Lists auction items and their details.

Аукцион савдолари 2007 йил 16 октябрь ва 16 ноябрь кунлари соат 10.00 да ушбу техника сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади. Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини хар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Навоий вилоти филиалининг АТИБ «Ипотека банк» Навоий бўлими МФО 00205, ИНН 200933850, 20210000300571452458 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Ушбу мулкий мажмуа бўйича хабарномалар «Дўстлик» газетасининг 2007 йил 2 августдаги 43-сонини ва 2007 йил 13 сентябрдаги 52-сонини чоп этилган. Манзил: Навоий вилоти, Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси, 24-уй. Телефонлар: 770-35-90, 22-4-64-31.

Table with 6 columns: Т/р, Савдо объекти, Бошланғич баҳоси (сўм), Тавсифи, Манзили, Суд ижрочилари бўлими, Ижро ҳужжати санаси ва рақами. Lists auction items and their details.

Аукцион савдолари 2007 йил 26 сентябрь, 3, 10, 17 ва 24 октябрь кунлари соат 11.00 да ушбу мулкий мажмуа сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади. Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини хар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Жиззах вилоти филиалининг АТ «Ипотека банк» Навоий бўлими МФО 00834, ИНН 200933850, 2021000000057145205 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Ушбу мулкий мажмуа бўйича хабарнома «Жиззах ҳақиқати»-«Джизакская правда» газеталарининг 2007 йил 25 августдаги 69-сонини чоп этилган. Манзил: Жиззах вилоти, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳкўчаси, 39-уй. Телефонлар: 222-34-16, 771-65-90.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

ОМАД АГАР ДУЧ КЕЛСА, ЭТАГИДАН ТУТ МАҲКАМ! КўЧМАС МУЛК БИРЖАСИГА ИШОНЧ ДОИМ МУСТАҲКАМ! Кўшимча маълумотларни РКМБ вилот филиалларидан ва www.rkmb.uz сайтдан олиш имкониятига эгасиз.

Кўчмас мулк — кетмас давлат! Биржамизга марҳамат!

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилей тантаналарида Президентимиз нутқ сўзлаб, буюк аждодларимиз амалга оширган улуғвор ишларни алоҳида таъкидлаб, шундай дедилар: «Илму фанни юксак қадрлаган Амир Темуруттоқ бобимиз ўз пойтахти Самарқандга дунёнинг турли минтақаларидан етук олим ва уламолар, меъмор ва муҳандисларни жалб этган. Бунини Самарқанд заминида фаолият кўрсатган Балхий ва Дамашқий, Бағдодий ва Марвазий, Тафтазоний ва Журжоний, Жазарий ва Шомий каби юзлаб алломаларнинг номлари ҳам исботлаб турибди».

мана шу йўналишда ёзилган қимматли асарлардан ҳисобланади. Масаланинг гоятда муҳим ва долзарблигидан келиб чиқиб, муаллифнинг ўзи томонидан ушбу асарига шараф ҳам ёзилган. Беш йилдан иборат «Шарҳ ал-Мақсид»нинг илмий нашрини эса Қоҳирадаги ал-Азҳар университетининг уламолари кенгаши ва исломий тадқиқотлар академиясининг аъзоси, доктор Абдурахмон Умайра амалга оширган. Кириш сўзини эса шайх Солиҳ Муса Шараф ёзган.

СОҲИБҚИРОН МЕҲРИНИ ҚОЗОНГАН АЛЛОМА

Номи зикр этилган олимлардан бири Саъдуддин Тафтазонийнинг фаолияти Самарқандда Амир Темуруттоқ саройида ўтган. Тўлиқ исми Масъуд ибн Умар ибн Абдуллох Саъдуддин Тафтазоний бўлиб, 1322 йилда Хоросонда таваллуд топади. Дастлабки билимини Хирот, Шероз каби шаҳарларда олди. Кейинроқ ўз даврининг йилри олимлари, жумладан Азуддин ал-Йўзий, Кутбиддин Муҳаммад ар-Розий, Насриддин Абу Абдуллох Зийуддин ибн Усмон ал-Қазвиний, Аҳмад ибн Абдулваҳоб ал-Қўсийлардан таълим олиб, ўша даврда кенг тарқалган калом, мантӣқ, илм ал-усул, фиқҳ, астрономия, математика каби илмлар соҳасида етук олим даражасига эришди.

Манбаларда ёзилишича, Тафтазонийнинг илмий-иходий фаолияти ўн беш-ўн олти йиллардан бошланиб, у дастлабки асарларини айни шу пайларда яратиб қолган. Ҳаётининг ақсар қисми Мовароуннаҳрда — Самарқанд, Хоразм, Бухоро, Ғиждувон каби шаҳарларда ҳам ўтганлиги ҳақида ёзма манбаларда аниқ қайд этилган. У 1390 йилда Самарқандда вафот этади.

Мерос

Ҳозирги маълумотларга қараганда, унинг илмий-маънавий меросига мансуб асарларнинг сони ўлтизтага етади. Улардан «Ал-арбаъин фил ҳадис», «Ал-фатова ал-ҳанафийя», «Ал-мифтоҳ», «Иршод ал-ҳодий», «Таҳзий ал-мантӣқ вал калом», «Ал-мутавал ала ат-талхис», «Ал-бошқаларни кўрсатиш мумкин. Унинг ил-

мий-иходий фаолиятида юртимиздан чиққан йилри олимларнинг қимматли асарларига шарҳлар битиш ҳам етакчи ўрин эгаллайди. Жумладан, у юздан ошқ асарлар ёзган насафлик таниқли олим Нажиддин Умар Абу Ҳафс ан-Насафийнинг ақида масалаларига бағишланган «Ал-Ақоид» номли асарига (бу мўъжаз асар атғи 12 саҳифадан иборат) кенг қўламда шарҳ ёзган бўлиб, шарҳнинг 2000 йилда Қоҳирада chop этилган наشري 162 саҳифани ташкил этади. Тафтазоний томонидан хоразмлик буюк олим Махмуд аз-Замашарийнинг «Ал-Қашшоф» номли Куръони карим тафсирига ба- тафсил ҳошия ҳам битилган, одоб-ахлоқ ва тарбиявий масалаларга оид «Навоби ал-калим» («Нозик иборалар») номли асарига муфассал шарҳ ёзилган.

Тарихнавис олим Хондамирнинг «Ҳабиб ас-сийр» номли асарида ёзилишича, Амир Темуруттоқнинг Тафтазонийнинг катта илмий салоҳияти ва юксак инсоний қасдларидан кўра янги хабардор бўлганлиги учун 1380 йилда (бу пайтда олим Хоразмда фаолият кўрсатар эди) уни ўз давлатининг пойтахти Самарқандга тақлиф қилади. Бу тақлифни аллома миғнатдорлик туйғуси билан қабул қилиб, Маккага, ҳаж ибодатини адо этиш учун муборақ сафарга тайёрларлик кўраётганлиги сабабли салтанат соҳибидан уэр сўрайди.

Бироқ соҳибқирондан тақририй тақлиф келгач, саройга ташриф буюради. У Самарқанд мадрасаларида мудarrisлик қилиш билан бирга қўлаб шогирдларга устозлик қилади, бир қатор муҳим асарларини ҳам айнан шу шаҳарда яратди. Жумладан, олим иходиди юксак ўрин эгаллаб, калом илмига бағишланган асосий, йилриқ асари — «Шарҳ ал-Мақсид» («Мақсадлар асарига шарҳ») ҳам 1382 йилда Самарқандда ёзиб тугатилади. Асар «Мақсид ат-толиб» («Толиб илмларнинг максадлари») деб ҳам аталади, ақидавий масалалар шарҳига бағишланган. Маълумки, ўрта асрларда ақида масалаларини нотўғри, ғаразли максаларни қўлаб тақлиф қилиш натоҳиқада жамиятни залолатга бошлаган қўлаб гуруҳлар пайдо бўлган. Шундай шароитда қатор олимлар ислом динининг софлиги, унинг асл манбаларини тўғри тўшунтириб, тақлиф қилиш орқали бу оқимларга қарши курашганлар, жамиятда ноосолом муҳайт ҳамда бекарорлик келиб чиқиси олдини олганлар. «Ал-Мақсид» ҳам

Ушбу илмий тадқиқот фан оламида ўзига хос ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан қаралганда, асарни ўзбекчага ағдариб, кенг жамоатчиликка етказиш Тафтазоний меросини ўрганиш борасида амалга оширилайётган ишларнинг давоми бўлур эди.

Ўбайдулла УВАТОВ,
Тошкент Ислам университети манбалар хазинаси директори, тарих фанлари доктори.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очик танлов савдолари эълон қилади:

№	Матбаъ манзили, рақами
1.	Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Гуртепа ҚФЙдаги 720/100 ўқувчи ўринли педагогика йўналишидаги касб-хунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.
2.	Наманган вилояти, Поп тумани, Чодак ҚФЙдаги 540/50 ўқувчи ўринли тоғ-кон металлургия йўналишидаги касб-хунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.
3.	Наманган вилояти, Поп тумани, Найман ҚФЙдаги 540/50 ўқувчи ўринли педагогика йўналишидаги касб-хунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.
4.	Наманган вилояти, Поп тумани, Уйғур ҚФЙдаги 540/50 ўқувчи ўринли транспорт ва алоқа йўналишидаги касб-хунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.
5.	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Ойдинқўл массивидаги 720 ўқувчи ўринли ижтимоий иқтисод-педагогика йўналишидаги касб-хунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.
6.	Наманган вилояти, Норин тумани, Ҳўжабод ҚФЙдаги 540 ўқувчи ўринли саноат-сервис йўналишидаги касб-хунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.
7.	Наманган вилояти, Тўрақўрган тумани, Ғртепа ҚФЙдаги 540/50 ўқувчи ўринли иқтисодий-сервис йўналишидаги касб-хунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.
8.	Наманган вилояти, Тўрақўрган тумани, Оқтош ҚФЙдаги 540/50 ўқувчи ўринли педагогика-спорт йўналишидаги касб-хунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.
9.	Наманган вилояти, Тўрақўрган тумани, Аҳси ҚФЙдаги 540 ўқувчи ўринли хизмат кўрсатиш компьютер технологияси йўналишидаги касб-хунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.
10.	Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Кушан ҚФЙдаги 540 ўқувчи ўринли транспорт алоқа йўналишидаги касб-хунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.
11.	Наманган вилояти, Янгиқўрган тумани, Янгиқўрган шаҳридаги 540 ўқувчи ўринли маиший хизмат сервис йўналишидаги касб-хунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.
12.	Наманган вилояти, Янгиқўрган тумани, Шарқ юлдузи ҚФЙдаги 540/50 ўқувчи ўринли алоқа ва компьютер технологияси йўналишидаги касб-хунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.
13.	Наманган вилояти, Янгиқўрган тумани, Навкент ҚФЙдаги 720/100 ўқувчи ўринли ижтимоий соҳа — педагогика йўналишидаги касб-хунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.
14.	Наманган вилояти, Учқўрган тумани, Қўғай-Улмас ҚФЙдаги 540 ўқувчи ўринли хизмат кўрсатиш компьютер технологияси йўналишидаги касб-хунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.
15.	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Нуробод массивидаги 180/150 ўқувчи ўринли спорт коллежининг 2-навбати (ётоқхона, ошхона, фаоллар зали)ни тайёр ҳолда қуриш.
16.	Наманган вилояти, Наманган тумани, Ирвдон қишлоғидаги коллежининг 2-навбати (ётоқхона)ни тайёр ҳолда қуриш.
17.	Наманган вилояти, Чортоқ шаҳридаги коллежининг 2-навбати (100 ўринли ётоқхона ва спорт зали)ни тайёр ҳолда қуриш.
18.	Наманган вилояти, Учқўрган шаҳридаги коллежининг 2-навбати (100 ўринли ётоқхона)ни тайёр ҳолда қуриш.

Барча объектлар бўйича қурилишни якунлаш муддати — 2008 йил 1 август.

Буюртмачи — Наманган шаҳри, Амир Темуруттоқ кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти Ҳоқимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжинириг компанияси. Телефонлар: (8-3692) 26-22-60, 33-77-06.

Қурилиш ишлари Наманган вилояти Ҳоқимлигининг ягона буюртмачи инжинириг компаниясига ажратилган давлат маблаг ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоизи миқдориди айлана маблагларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблагларни беришга банк қафолатномасига, ишлар «хизматларни» бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, таърибли ва ишончли бўлишлари шарт.

Тақлифлар очилиши эълон матбуотда chop этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда утказилади: Наманган шаҳри, Амир Темуруттоқ кўчаси, 105-уй.

Изоҳ: **объектлар рўйхатига ўзгаришлар киритилиши мумкин.**

Грециянинг Патри шаҳрида бадий гимнастика бўйича йилриқ халқаро турнир бошланди.

Спорт • Sport • Спорт • Sport

Грецияда гимнастикачилар баҳси

Унда Алина Кабаева, Вера Сесина, Ольга Капранова (Россия), Алия Гараева (Озарбойжон), Алия Осулова (Қозғоғистон), Ириша Ризенсон (Исроил), Симона Пейчева (Болгария) каби қўлаб спорт юлдузлари қаторида уч нафар ҳамюртимиз — Ульяна Трофимова, Зарина Муҳитдинова ва Жамила Раҳमतова юртимиз шарафини ҳимоя қилияди.

ЭЛДОР ЙЎЛЛАНМА СОҲИБИ

Озарбойжон пойтахти Бokuда **юнор-рум ва эркин кураш бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати қизгин давом этмоқда.**

Олимпиадада йўлланма берувчи мусобақа бўлганлиги боис ҳар бир вазн тоифасида курашлар қизикarli кечмоқда. Қолаверса, мазкур жаҳон чемпионати иштирокчиларнинг қўлиги билан ҳам рекорд ўрнатди. Бokuда 100 дан ортiқ мамлакат полвонлари голиблик учун гиламга чиқмоқда. Ҳар бир вазн тоифасида ўртача қирқта курашчи қатнашапти.

Чемпионат мусобақаларини юнор-рум курашчилари бошлаб беришди. 55 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан вакилимиз

Элдор Ҳафизов яқунда туртинчи ўринни қўлга киритиб, Олимпиада йўлланмаси соҳиб бўлди. Дилшод Орипов (60 кг.), Равшан Рўзиқулов (66 кг.), Жаҳонгир Муъминов (74 кг.), Денис Здориков (84 кг.) ва Геннадий Чаидзе (96 кг.) турнирни муваффақиятсиз якунлашди.

Кеча эркин курашчилар ҳам мусобақаларни бошладилар.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

BELARUS

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА
ВА УЛАР УЧУН ЭҲТИЁТ
ҚИСМЛАРНИ ТАҚИФ ЭТАДИ.

Махсулот сертификатланган

Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел./факс: 281-40-75, 281-40-90, 281-40-33.
Сайт: www.uzkam.com

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автobусларни) ва улар неғизда тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) тақлиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собик «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори неғизда) ва махсус техникаларни тақлиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservice» қўшма корхонасига мувожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 100005. Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй.
Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

ГАЗ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор **AVTODOM PLUS**

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-32214 (4x4) «Тез ёрдам»

«ОМСКШИНА» ОАЖ АВТОШИНАЛАРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТИЛАДИ.

Махсулот сертификатланган

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАҚЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фурголар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтараядиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР КАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь». ЮК МАШИНАЛАРИ: озик-овкат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидроқуртлар, автобухоналар, бурғулаш (бурые), чикинда ташийдиган, мобил билборлар, автовакуаторлар. АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

ТУЛОВ ШАҚЛИ ТУРЛИЧА

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-сайт: www.auto.uz

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашир индекси — 229. Буюртма Г — 856. 24960 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоғ бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Миятбуғчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи котиб — А. Орипов.

Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.

Навбатчи — Ш. Ортқов.

Мусахҳах — Ҳ. Тошқужаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲЗД якуни — 23.10. Тошпирилди — 23.10. 2 3 4 5 6